

---

## ЭКОШАҲАРДА ЯНГИ УЙ ТҮЙЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фарғона шаҳридаги Экошаҳар – “Янги Ўзбекистон” массивида бунёд этилган кўп қаватли уйлардан вилоятимиз газ таъминоти тизими ишчи-ходимларига янги хонадонлар топширилди.

Мустақиллигимизнинг 33 йиллиги байрамида бу уйлар уларга катта тухфа бўлди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, тизим ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров экошаҳарда қурилган кўп қаватли уйларнинг соҳиби бўлганларни янги хонадон билан қутлади. Вилоятимизда "HUDUDGAZ FARG'ONA" газ таъминоти филиали томонидан олиб борилаётган ишлар эътироф этилиб, яқинда нишонланган Ўзбекистон нефт ва газ саноати ходимлари куни билан ҳам самимий табриклаб, уларнинг ишларига муваффақиятлар тилади.

"HUDUDGAZ FARG'ONA" газ таъминоти филиалининг 28 нафар ишчи-ходимларига янги уйларнинг калитлари топширилди. Шундан сўнг янги уйларда яратилган шароитлар билан танишилди.

Байрам тадбири элимиз суйган санъаткорларнинг қўшиқлари билан янада шукуҳли кечди.

2024-09-08 17:38:41